

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 12-“ФОЙДА СОЛИҚЛАРИ” МҲХСИНИ ҚўЛЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Муаллиф: Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси докторанти Х.Ризаев

## PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE PROCESS OF APPLYING THE 12TH "PROFIT TAXES" ISS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Author: Kh. Rizaev, doctoral student of the Academy of Banking and  
Finance of the Republic of Uzbekistan

**АННОТАЦИЯ:** 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарорни имзолади. Ушбу қарорга мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб суғурта ташкилотлари, тижорат банклари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчиларга тегишли бўлган юридик шахслар МҲХС(молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт этиб белгиланди ва 2021 йилдан бошлаб халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни шакллантириш лозимлиги қайд этилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисобини бизнес тили дейишади. Бу бежиз эмас, чунки бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларни қизиқтирувчи унинг хўжалиги фойда берадими, йўқми, у ўз зиммасидаги мажбуриятларни уза оладими каби саволларга жавоб топишга тўғри келади. Бу саволларга бухгалтерия ҳисобини билиш ва унинг маълумотларини тўғри таҳлил қила олиш орқалигина жавоб олиш мумкин. Шу сабабли ҳам бухгалтерия ҳисоби юритиш жуда муҳим. Вақт ўтгани сайин Ўзбекистонда солиқ ва молия ҳисоби кўпроқ бир-биридан фарқланяпти, бу аввало, фойдани аниқлашда акс этмоқда. Умуман олганда, солиқ ҳисоби молиявий ҳисобнинг маълумотларига асосланади, солиқ кодексининг аввалги барча тахрирларида бутун бир модда шунга бағишланган эди. Бу янги тахрирдаги солиқ кодексининг 76-моддасида ҳам мавжуд. Бироқ айни вақтда кузатадиган бўлсак, молиявий ҳисобни амалга оширишда, маъсуллар мулкдорларга ёки инвесторларга хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш мақсадларига эмас, балки кўпроқ солиқ солиш қоидаларига амал қилишга интилишади деб айтиш мумкин. Жумладан, фойда солиғи кўрсаткичларини тан олиш, баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, солиқ солинадиган фойдага таъсир қилувчи харажатлар ҳисоби, кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари ҳисоби, фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичларнинг аудит таҳлили масалалари ўз ечимини тўлиқ топган эмас. Ушбу масалаларни илмий-

амалий ечимини топиш мамлакатлар томонидан иқтисодийга хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш шароитида долзарб аҳамиятга эгадир.

**Калит сўзлар:** Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 12-фойда солиқлари, Молиявий ҳисобнинг халқаро стандарти, доимий фарқлар, вақтинчалик фарқлар, бухгалтерия фойдаси, солиққа тортиладиган фойда, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, солиқ кодекси, солиқлар.

**ANNOTATION:** On February 24, 2020, the President of the Republic of Uzbekistan signed the decision No. PQ-4611 "On additional measures for the transition to international standards of financial reporting". According to this decision, starting from 2021, insurance organizations, commercial banks, joint-stock companies and legal entities belonging to large tax payers were required to keep accounting records according to the International Financial Reporting Standards (IFRS), and it was noted that starting from 2021, it was necessary to prepare financial reports in accordance with international standards. Here it should be noted that accounting is called the language of business. This is not for nothing, because in the conditions of the market economy, the economic entities interested in it have to find answers to such questions as whether their business will be profitable or not, whether it will be able to meet its obligations. These questions can be answered only by knowing accounting and being able to correctly analyze its data. This is why accounting is so important. Over time, tax and financial accounting in Uzbekistan are becoming more and more different from each other, which is primarily reflected in the determination of profits. In general, the tax calculation is based on the data of the financial account, in all previous revisions of the tax code, a whole article was devoted to it. This is also contained in article 76 of the new tax code. However, at the same time, it can be said that in the implementation of financial accounting, those in charge seek to follow the rules of taxation rather than the goals of providing information about the true state of economic activity to owners or investors. In particular, the issues of recognition, evaluation and accounting of profit tax indicators, calculation of expenses affecting taxable profit, calculation of deferred tax assets and liabilities, audit analysis of indicators that are the basis for calculation of profit tax have not been fully resolved. Finding a scientific-practical solution to these issues is of urgent importance in the context of large-scale attraction of foreign investments to the economy by countries.

**Keywords:** International Accounting Standard 12 Income Taxes, International Standard of Financial Accounting, Permanent Differences, temporary differences, accounting profit, taxable profit, deferred tax liabilities, tax code, taxes.

**Кириш.** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш

имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида(Уз.Р.ПҚ-4611 24.02.2020) 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Президенти "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарорни имзолади. Қарорни ижро этиш жараёнида юзага келадиган саволларга ёим топиш учун бухгалтер ва соҳа мутахассислари молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари ва солиқ кодексининг моҳиятини англаб етиши ўта муҳим. Жумладан, солиқ кодекси(СК) ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари(БҲМС) қоидалари регламентга оид ва мажбурий ҳисобланиб, низолар юзага келган ҳолатда, шу жумладан судларда улардан фойдаланиш мумкин бўлади, молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари МҲХС эса концептуал ҳужжатдир. Муайян операцияларга нисбатан унинг қоидаларидан фойдаланишда ҳужжат келиштирувчи тусга эга бўлади.

Турли вазиятларда МҲХСнинг қандай таомиллари ёки усуллари қўлланилиши мумкин – бунда ҳужжатли тасдиқлаш соҳаси эмас, балки профессионал фикр-мулоҳазалар танланади. Масалан, профессионал баҳолаш узоқ муддатли активларнинг фойдали фойдаланиш муддатини ва кадрсизланиши аломатларини аниқлашда, гумонли дебиторлик қарзини, дисконтлаш ставкаларини, суд муҳокамасининг қандай тус олишини белгилашда зарур бўлади.

Ўзбекистонда айна вақтда МҲХС жорий этиб борилиши билан МҲХС бўйича ҳисобот ва солиқ тизими ўртасида низолар бўлиши аниқ. Шу сабабли МҲХС бўйича ҳисоб юритишга ўтишда, молиявий ҳисобни юритиш учун МҲХС нормаларидан фойдаланиш қоидаларини ва қўпгина йўриқномаларни чиқариш керак бўлади. Жумладан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашнинг молиявий ҳисобини солиқ кодексига уйғунлашга ҳолда, шу билан бирга бизнес эгалари ва инвесторлари учун фойдали кўринишдаги тартибини ишлаб чиқиш энг долзарб масалалар қаторига киради.

**Адабиётлар шарҳи.** Ўзбекистонда МҲХС.га ўтиш бўйича қарор қабул қилиниши билан мутахасислар томонидан бу борадаги хорижий ёндошувлар янада чуқурроқ ўрганила бошланди. Ҳозирда халқаро амалиётда бу борада иккита глобал ёндашув қўзатилади.

1. қонун чиқарувчи орган томонидан молиявий ва солиқ қоидаларининг юқори даражадаги ўзаро алоқадорлиги мавжуд бўлган тизим тузилади.
2. молиявий ва солиқ ҳисоби ўртасида кўрсаткичларнинг боғлиқлик даражаси жуда паст бўлган, ҳақиқатда ҳисоб юритишнинг икки тури, яъни молиявий ва солиқ ҳисоби амал қилади.

Биринчи ёндашув, яъни солиқ ва бухгалтерия қоидаларининг юқори даражада ўзаро боғлиқлиги Ғарбий Европа мамлакатларида амал қилади. Ушбу мамлакатларда молиявий ҳисобот, биринчи навбатда, кредиторлар ва давлат органлари, шу жумладан солиқ органлари учун маълумот манбаи ҳисобланади. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари мана шу ёндашувга яқинроқ саналади.

Иккинчи ёндашув Буюк Британия, АҚШ каби айрим мамлакатларга хос бўлиб, уларда ҳисобнинг иккита тизими – солиқ ҳисоби ва молиявий ҳисоб мавжуд.

Айниқса фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда даромадлар ва жаражатларни тан олиш масаласида тадбиркор ва солиқ тизими ўртасида кўплаб бахслар юзага келади. Бу борада бухгалтерия ҳисоби талаблари ва солиқ кодекси талабларида ҳам фарқлар мавжуд. Холатга ечим топиш мақсадида соҳада амалга оширилган илмий изланишларга мурожаат қиладиган бўлсак, бир қатор тадқиқотларни келтиришимиз мумкин. Жумладан З.Н.Қурбановнинг фикрича, “Корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. “Солиқ харажатлари” тушунчаси янги иқтисодий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар сифатида қўллаб келганмиз” (З.Н.Қурбанов. 2016) Солиқ харажатига 12-сонли “Фойда солиқлари” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида “Солиқ харажати – бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма” – деб таъриф берилган (БҲХС-12) Хорижий олимлардан Е.В.Егорованинг фикрича “солиқ мажбуриятлари корхоналар учун солиқ харажатлари бўлиб ҳисобланади”(Е.В.Егорова 2012). Бундан ташқари, Вадесанго Нюман, Таса Эдмор, К.Милондзо, Вадесанго Вонгаи Онгаи (2016), Энггар Арум (2018), Фуад Фуад, Агунг Жулиарто, Пужи Харто (2019)лар МҲХС ва молиявий ҳисобот сифати ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқот ўтказишган. Салем Боумедиене (2016), Дипак Кумар Адхана (2020), Марзуки, М.М. ва Ваҳоб, Э.А.А. (2016) МҲХСни амалга оширишдаги тўсиқларни кўриб чиқишган. Анна Висотская ва Мария Прокофиева (2013) жуда муҳим муаммо - мутахассисларнинг этишмаслиги ва уларни МҲХС дастури бўйича тайёрлаш зарурияти; Анна Висотская (2014) глобаллашув шароитида ривожланаётган мамлакатларда халқаро ҳисоб тизимини уйғунлаштириш масалаларини ўрганиб чиқишган. (Т.ДАРГАЧЕВА ва Т.ШАЙДАНОВ. 2020) Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларини мамлакатимизда қўллаш, жумладан фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобининг айрим назарий ва методологик жиҳатлари,

мамлакатимиз олимларидан Н.К.Ризаев, О.О.Баракаев, Д.Э.Норбеков, И.К.Очилов, Б.Уразов, З.Н.Қурбанов қаламига мансуб монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолаларда ёритилган. Бироқ чоп этилган ишларда фойда солиғи кўрсаткичларининг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган, жумладан улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботда ахборотларни тизимли шакллантириш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмагани, илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга моликлиги фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқлаштириш масалаларини чуқур тадқиқ қилишни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотлар илмий тафаккур, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллар асосида олиб борилди. Методологияда амалдаги қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва халқаро нормалар билан солиштириш усулидан ҳам фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** «Фойда солиғи ҳисоб-китоби» шаклида «солиқ базасига доимий равишда қўшиладиган фарқлар», «солиқ базасига вақтинчалик қўшиладиган фарқлар» ва «солиқ базасидан вақтинчалик чегириладиган фарқлар» алоҳида қаторларда кўрсатилсада, бироқ уларга тузатилган фойда суммасига тегишли фойда солиғи суммалари алоҳида-алоҳида аниқланмайди. Ушбу кўрсаткичлар асосида фақат бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси аниқланади ва бу сумма, мос равишда, ҳисобланган фойда солиғи сифатида тан олинади. Ҳисобланган ва бюджетга тўланадиган фойда солиқлари ўртасида фарқ махсус аниқланмаганлиги туфайли, мос равишда, ҳисоб-китобда «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичлари фойда солиғи ҳисоб-китобида махсус қаторларда акс эттирилмайди. Бундай тартибни қонун ҳужжатлари билан белгиланиши фойда солиғига доир «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиладиган молиявий ҳисобот шаклларида тўғри трансформация қилинишига ҳам имкон беради. Юқоридаги кўрсаткичларини амалиётда ишлатилишига эришиш учун амалдаги фойда солиғи ҳисоб-китоби такомиллаштириш талаб этилади. Зеро, Буюк соҳибқирон Амир Темур тузукларида таъкидланишича “Солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчидир”. Демак, иқтисодиётни тартибга солишда солиқларни аниқ ва тартибли бўлиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

**Муаммо.** 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарориди, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш вазифаси белгиланган. Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ўзаро солиштириб чиқилганда Биз таҳлил қилаётган 12-сонли "Фойда солиқлари" бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартига уйғун миллий стандарт мавжуд эмаслиги, бу стандартда белгиланган меъёрлар миллий қонунчиликда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан қисман тартибга солиб келиниши, фойда солиғини ҳисоблаш бухгалтерия ҳисоби солиқ кодексида белгиланган фойда солиғини ҳисоблаш солиқ ҳисобини юритиш билан чекланганлигини кўришимиз мумкин. Бу фойдадан солиқлар бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади бўлган фойда солиғи бўйича бухгалтерия тартибини аниқлаш тамойили талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Фойдадан солиқлар ҳисобот ва маълумотларини инвесторларга тақдим этишда, ҳисоботнинг солиқ ҳисоби асосида тайёрланиши, инвестор ва фойдаланувчилар фойдадан солиқлар бўйича халқаро талаблар асосидаги тўлиқ маълумотлар билан таъминланмаслигига сабаб бўлади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодексининг 295-моддасида солиқ кодексида белгилаб берилган даромадлар ва харажатларнинг айирмасидаги мусбат фарқ фойда солиғи объекти деб эътироф этилади. Солиқ тўлангунига қадар бўлган фойда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом" талаблари асосида аниқланган солиқ тўлангунига қадар фойда ва солиқ кодекси талабларига асосан аниқланган фойда ўртасидаги тафовутларни ҳисобини юритиш зарурийми? Агар зарурат бўлса қайси меъёрларга мувофиқ ҳисоб юритилади?

#### **Хулоса ва таклиф.**

- Ўзбекистон учун амалдаги молиявий ва солиқ ҳисоби БҲМС бўйича бухгалтерия ҳисоби деярли солиқ ҳисобининг такроридир. Бу вазиятдан унумли фойдаланиб, "Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 12-фойда солиқлари" ва Миллий стандартлар бўйича ҳисобнинг амалдаги Ҳисобварақлар режаси негизида янги, солиқ кодекси талабларига кўра қайта ишланган БҲС қабул қилинадиган бўлса, хавф-хатарлар даражаси пасаяди. Корхоналарнинг солиқлар ҳисоб-китобига таъсир кўрсатадиган МҲХС бўйича ҳисобдаги низоли масалалар талқин этилишига нисбатан хавотирланишига ҳожат бўлмайди. Солиқ органлари эса текширилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган, аниқ ва тўғри кўрсаткичлар келтирилган ҳисоботни оладилар.

- 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига уйғунлашган ва бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш, ушбу ҳужжат матнида солиқ ва бухгалтерия ҳисобида фойда солиғини ҳисоблашдаги фарқларни ҳисобини олиб бориш тартибини белгилаш, инвестициялар оқими ва хўжалик субъектлари ва солиқ хизмати органлари ўртасида солиқ низоларини юзага келиш хавфини қисқартиришга хизмат қилади.
- Шунингдек фойда ва фойдадан солиқларни ҳисобини юритиш самарадорлигини ошириш учун бухгалтерия фойдаси ва солиққа тортиладиган фойда, жорий фойда солиғи ва кечиктирилган фойда солиғининг моҳиятини олий таълим муассасалари талабалари, профессионал бухгалтер ва аудиторлар ўртасида ҳам кенгрок тушунтириб бориш, давра суҳбатлари ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига уйғунлашган ва миллий бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янгидан ишлаб чиқишда қатор яхши фикр ва таклифларни йиғиш имконини беради.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Закон Республики Узбекистан « О бухгалтерском учете» в новой редакции от 13 апреля 2016 года № 404.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.
3. "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Президентининг қарори. 24.02.2020 №ПҚ-4611
4. Қурбанов З.Н. Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари."Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни" мавзусидаги конференция материаллари. Тошкент,2016.
5. Егорова, Е. В. Налоговый анализ как самостоятельный вид экономиче-ского анализа / Е. В. Егорова // Государственный университет Минфина России. Финансовый журнал. – 2012. – № 4.
6. Татьяна ДАРГАЧЕВА ва Темур ШАЙДАНОВларнинг “Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue” журналидаги “On the issue of transition to IFRS in the Republic of Uzbekistan” номли мақоласи- 2, №01 (2020) / ISSN 2181-1415

7. Темур тузуклари. Т.: Чўлпон, 1991 й. 98 б.
8. Эргашева Ш.Т., Учебник. «Международные стандарты финансового отчетности» –Т.: ТГЭУ, 2020
9. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти-12 “Фойда солиқлари” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан чоп этилган расмий таржима
10. Бакаев А.С. Международные стандарты / А.С. Бакаев. - М.: Аскери АССА, 2003.
11. Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. СамИСИ, 2018. -421 б.
12. С.А.Кемаева, Е.И.ЛОДЫГИНА “Современный взгляд на применение ПБУ 18/02 «Учет расчетов по налогу на прибыль» в системе бухгалтерского учета организаций” Издательский дом ФИНАНСЫ и КРЕДИТ, 2017
13. Rizaev Nurbek Kadirovich, Khotamov Komil Rabbimovich. Methodology of transformation of financial reporting to international standards in Uzbekistan (evidence from commercial banks). International Journal of Marketing and Technology Vol. 11 Issue 10, October 2021 ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559 Journal Homepage: <http://www.ijmra.us>, Email: [editorijmie@gmail.com](mailto:editorijmie@gmail.com)
14. Ризаев Н.К, Баракаев О.О. Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС ҳужжатлари) бўйича янги матн қўлланилмоқда “Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш” мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференция материаллари тўплами., Т.: 2022 йил. 5-9 б.
15. Rizaev N.K., Khotamov K.R. Experience of Japan in introducing International Financial Reporting Standards // Electronic-scientific journal “Finance and Banking”. – Tashkent, 2020. №1, 105-117 p. <http://journal.bfa.uz/archive>
16. Ризаев Н.К, Баракаев О.О. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришнинг навбатдаги босқичига ўтилди. “Рақамли иқтисодиёт шароитида фискал сиёсатни такомиллаштириш муаммолари” мавзусида халқаро конференция Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти. 2022 йил 4 ноябрь.
17. Lex.uz расмий сайти
18. <https://cyberleninka.ru>